

АДОЛАТ МЕЗОНИДА АЁЛ НИГОҲИ: СУД-ҲУҚУҚ ТИЗИМИДА АЁЛЛАРНИНГ ЗАМОНАВИЙ ЎРНИ

Ўринбоева Зиёда Баҳодир қизи

**Самарқанд вилоят ёшлар ишлари бошқармаси бош юрисконсулти,
2-даражали юрист**

<https://doi.org/10.5281/zenodo.21697898>

Сўнгги йилларда мамлакатимизда нафақат ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий, шунингдек, суд-ҳуқуқ соҳасида ҳам кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, мамлакатда гендер тенгликни мустаҳкамлаш, суд-ҳуқуқ тизимида фаолият юритувчи хотин-қизларнинг ролини ошириш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мақсадида бир қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 24 ноябрдаги “Судьялар ҳамжамияти органлари фаолиятининг самарадорлиги ва очиқлигини ошириш ҳамда суд мустақиллиги кафолатларини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-227-сонли Фармони шулар жумласидандир.

Суд-ҳуқуқ тизимида аёлларнинг фаол иштироки — бу фақат гендер тенглиги масаласи эмас, балки адолатли жамият қуришнинг муҳим шарти ҳисобланади. Аёл судьяларнинг билим, тажриба ва инсонийликка асосланган ёндашуви суд томонидан чиқариладиган қарорларни ўз вақтида, холисона, синчковлик билан қабул қилинишига эриштириб, айниқса, оилавий низолар, вояга етмаганларнинг ҳуқуқлари, зўравонлик билан боғлиқ бўлган ишларни кўриб чиқишдаги ўрни суд-ҳуқуқ тизимини янада мукамал ва ишончли қилади. Демак, аёллар суд-ҳуқуқ соҳасида нафақат иштирокчи, балки адолатнинг фаол бунёдкори сифатида эътироф этилиши лозим.

Фармонда судьялар корпусида гендер тенгликни таъминлаш ва илмий салоҳиятни ошириш мақсадида:

- Одил судлов академиясининг касбий қайта тайёрлаш курсларига қабул қилишда ҳар йили заруратга қараб квота бериш;

- ташаббускор судьялар гуруҳи томонидан Ўзбекистон аёл судьялар ассоциациясини ташкил этиш;

- Суд тизимида камида беш йиллик меҳнат тажрибасига ва илмий салоҳиятга эга судьялар қонунчиликда белгиланган тартибда Одил судлов академиясига профессор-ўқитувчи лавозимига тайинланганда, Академиядаги фаолиятини тугагандан сўнг унинг муқаддам ишлаган судьялик лавозимида ишни давом эттириши, бўш турган судьялик лавозими бўлмаган тақдирда, розилиги билан аввалгисига тенг бошқа судьялик лавозимига ўтказилиши белгилаб қўйилди.

Хулоса қилиб айтганда, суд-ҳуқуқ тизимида аёлларнинг иштироки ва мавқеини мустаҳкамлаш — бу замонавий демократик давлат барпо этиш йўлидаги муҳим ва узвий жараёндир. Аёл судьяларнинг адолат, инсонийлик ва масъулиятга асосланган фаолияти суд қарорларининг холислиги, ишончилиги ҳамда ижтимоий адолатни таъминлашда алоҳида аҳамият касб этади. Президент фармонида белгиланган чора-тадбирлар суд мустақиллигини мустаҳкамлаш, судьялар корпусининг салоҳиятини ошириш билан бирга, аёлларнинг суд-ҳуқуқ соҳасидаги фаол ролини институционал жиҳатдан қўллаб-қувватлашга хизмат қилади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, қўйидаги таклифларни илгари суриш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз:

— суд-ҳуқуқ соҳасида фаолият юритаётган аёллар учун илмий тадқиқотлар ва халқаро тажриба алмашинуви дастурларини кенгайтириш;

— аёл судьяларни раҳбарлик лавозимларига тайинлашда шаффоф ва меритократик ёндашувни янада кучайтириш;

— Ўзбекистон аёл судьялар ассоциацияси фаолиятини тизимли йўлга қўйиб, унинг орқали ҳуқуқий маданиятни ошириш, ёш мутахассисларни тайёрлаш ва маслаҳат институтини ривожлантириш;

— Одил судлов академиясида аёл судьялар иштирокида махсус ўқув-модулар, тренинг ва илмий семинарлар ташкил этиш.

Умуман олганда, суд-ҳуқуқ тизимида аёлларнинг замонавий ўрнини мустаҳкамлаш — нафақат гендер тенгликни таъминлаш, балки жамиятда адолат, ишонч ва ҳуқуқ устуворлигини қарор топтиришга хизмат қилади. Аёл нигоҳи билан қарор топган адолат — барқарор ва инсоний жамиятнинг мустаҳкам пойдеворидир.

Adabiyotlar, References, Литературы:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. 2023 йил. «Ўзбекистон» нашриёти
2. 1948 йил 10 декабрдаги Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси
3. Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 28 июлдаги «Судлар тўғрисида»ги 703-сонли Қонуни
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 24 ноябрдаги “Судьялар ҳамжамияти органлари фаолиятининг самарадорлиги ва очиқлигини ошириш ҳамда суд мустақиллиги кафолатларини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-227-сонли Фармони
5. Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 2 сентябрдаги «Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида»ги 562-сонли қонуни
6. Lex.uz сайти